

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИМАТОВА ДИЛНОЗА СУЛТОНМУРОДОВНА**

**ТАРКИБИДА ФЕРРОЦЕН ҲОСИЛАЛАРИ САҚЛОВЧИ СУЮҚ АЗОТЛИ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хожиматова Дилноза Султонмуродовна**

Таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш ва уларни синфлаш..... 3

**Хожиматова Дилноза Султонмуродовна**

Получение жидких азотных удобрений, содержащих производные ферроцена и их классификация..... 21

**Khozhimatova Dilnoza Sultonmurodovna**

Production of liquid nitrogen fertilizers containing ferrocene derivatives and their classification..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 42

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИМАТОВА ДИЛНОЗА СУЛТОНМУРОДОВНА**

**ТАРКИБИДА ФЕРРОЦЕН ҲОСИЛАЛАРИ САҚЛОВЧИ СУЮҚ АЗОТЛИ  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/K494 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	<b>Аскарров Иброҳим Раҳмонович</b> кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	<b>Хўжаев Ваҳобжон Умарович</b> кимё фанлари доктори, профессор <b>Абдуганиев Бахтиёр Ёрматович</b> кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/29.10.2021.K/T.60.05 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил "17" 09 соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс: (99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1252 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: [abshax@mail.ru](mailto:abshax@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил 7 сентябр куни таркатилди.  
(2022 йил 7 сентябрдаги № 08 рақамли реестр баённомаси)



**Х.Исаков**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, тех.ф.д., профессор

**М.М.Мўминжонов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**Ш.В.Абдуллаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошдаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳоли сони ортиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигини оширишда турли хил минерал ўғитлар, биостимуляторлар ва пестицидлардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштирган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширувчи, самарали биологик фаол минерал ўғитлар ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш асосида таснифлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини қисқа вақт ичида сезиларли даражада ошириш хусусиятига эга бўлган самарали минерал ўғитлар ишлаб чиқиш, уларнинг таркибини биологик фаол бирикмалар билан бойитиш, ҳамда кимёвий таркибини аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, карбамид ва аммиак сақлаган минерал ўғитларни таркибида ферроцен тутган биологик фаол биостимуляторлар билан бойитган ҳолда янги турдаги экологик тоза, амалда қўлланилаётган ўғитларга нисбатан самарали, зарарсиз суяқ минерал ўғитлар яратиш, уларнинг кимёвий таркиби, ўсимлик организмга ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш, ҳамда уларга кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича янги халқаро товар код рақамларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва уларнинг ассортиментини кенгайтириш, жумладан, азот, фосфор, калий ва айрим микроэлементлар тутган ўғитлар ишлаб чиқиш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқонлар ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ферроцен ҳосилларининг сувда эрувчан биологик фаол бирикмаларини синтез қилиш ва улар асосида таркибида ўсимликларнинг ўсиб ривожланишида муҳим ўрин тутувчи микроэлементлар сақловчи суяқ ўғитлар олиш, шунингдек, уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, хоссаларини ўрганиш ҳамда ТИФ ТН бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28- январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2018 йил 25- октябрдаги ПҚ-3983-сон Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28- январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ферроцен ҳосилалари устида А.Н.Несмеянов, Э.Г.Перевалова, В.Д.Вильчевская, С.А.Шлёгль, Л.Асатиани, Е.А.Коленников, каби олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ўзбек олимларидан кимё фанлари доктори, профессор И.Р.Асқаров шогирдлари к.ф.д., Ш.Х. Абдуллоев, т.ф.д., Х.Исақов, кимё фанлари номзоди, профессор Ш.М.Қирғизов, к.ф.д., доц. М.М.Хожиматов, к.ф.д., М.М.Мўминжонов, к.ф.ф.д.лари Ф.С. Абдугаппоров, О.Ш. Абдуллаевлар бир қатор тадқиқотларни амалга оширганлар. Суюқ ўғитлар олиш уларни хоссаларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш, бўйича С.М. Крамарев, С. Селларс, В. Нуньес, N. Ahmad, Laurie E, Juhas Milan, Teren Jan, Н. Мищенко, А.Г. Степченко, О.Б. Дормешкин, С. James, S.S. Lanyi, L.T. Herbert, R. Slinksiene ва бошқа бир қатор олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбекистонда академик М.Н. Набиев раҳбарлигида ноорганик моддалар, жумладан минерал ўғитлар соҳасида илмий мактаб яратилган. Н.К. Абдурахмонова, Р.М. Назирова, С.Р. Мирсалимова томонидан КАС асосида кальцийли янги суюқ азотли ўғитлар олиш ва уларнинг ишлаб чиқиш технологияси тавсия этилган. Б.С. Закиров ҳамда унинг шогирди С.Х. Азимовлар томонидан КАС ва ПТЗЧ нинг нитраткислотали экстрактини моноэтанолламин билан нейтраллаб комплекс таъсирга эга янги суюқ ўғитлар олишнинг принципиал технологик тизими ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда ферроцен ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида ишлаб чиқилган самарали суюқ минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги амалиётида, жумладан, ғўза ва буғдой ўсимликларининг комплекс ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширишда фойдаланилмаган, ҳамда бу борада илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Ферроцен ҳосилалари асосида ишлаб чиқилган минерал ўғитларнинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган, шунингдек, ферроцен ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида ишлаб чиқилган суюқ минерал ўғитларга кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар кодлари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши ферроцен ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида самарали суюқ минерал ўғитлар ишлаб чиқиш, кимёвий таркиби ва биологик фаоллигини аниқлаш, улардан ғўза, буғдой каби қишлоқ хўжалиги экинларининг комплекс ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширишда фойдаланиш, ҳамда кимёвий таркиби асосида тегишли янги товар кодлари ишлаб чиқиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети “Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол бирикмалар асосида суюқ азотли ўғит ишлаб чиқиш, кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, ҳамда уларга ТИФ ТН асосида янги код рақамлари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари асосида янги биологик фаол бирикмаларни синтез қилиш;

ферроцен ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари, кимёвий таркиби ва тузилишини аниқлаш;

*m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари асосида суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган суюқ азотли ўғитларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

ишлаб чиқилган суюқ азотли ўғитлар учун ТИФ ТН бўйича янги код рақами таклиф этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суюқ азотли ўғитлар, ферроцен ва унинг айрим ҳосилалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** *m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш, синтез қилинган биологик фаол бирикмалар асосида янги суюқ азотли ўғитлар олиш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида синфларга ажратиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ИҚ- спектроскопия ва Масс-спектрометрия, титриметрик, спектрофотометрик, алангали фотометрия, фотоэлектроколориметрик анализ, ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенол ҳосилалари асосида уларнинг сувда эрувчан тузлари синтез қилинган;

таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенол ҳосилалари сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби, тузилиши ва айрим физикавий хоссалари аниқланган;

таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг сувда эрувчан ҳосилалари ҳамда КАС сақловчи суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитларни биологик фаоллигини ғўза ва бугдойнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсири исботланган;

ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитлар учун ТИФ ТН бўйича янги код рақамлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат

*m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенол асосида синтез қилинган бирикмалар ҳамда КАС асосида “Фербен калий”, “Фербен натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғитлар яратилган.

таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитлар кимёвий таркиби асосида синфланган ҳамда уларга ТИФ ТН асосида тегишли код рақамлари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ферроцен асосида синтез қилинган бирикмалар ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия усуллари ёрдамида таркиби, тузилишини аниқланганлиги, ушбу бирикмалар асосида суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг биологик фаоллиги етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари синтез қилинганлиги, уларнинг таркиби ва тузилиши замонавий методлар ёрдамида аниқланганлиги, ҳамда улар асосида суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқиш йўллари ишлаб чиқилганлиги, олинган суюқ ўғитларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, ўсимликларнинг ривожланишига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *m*-ферроценилбензой кислотаси, *n*-ферроценилфенол ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг комплекс ривожлантириш хусусиятига эга бўлган янги суюқ ўғитлар ишлаб чиқилганлиги, ҳамда уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича янги халқаро товар код рақамлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ферроцен ҳосилалари асосида ишлаб чиқилган суюқ азотли минерал ўғитларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ферроцен ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида ишлаб чиқилган суюқ азотли минерал ўғитлар 2019-2021 йиллар давомида Андижон вилояти фермер хўжалиқларининг 130 гектар пахта, 164 гектар буғдой жами 294 гектар майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11 мартдаги № 07/35-04/1175-сон маълумотномаси, Андижон қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил, 9 февральдаги 01/11-90-сонли маълумотномаси, “Жалакудуқ кимёгари” МЧЖ нинг 2022 йил 25 февральдаги № 4-сонли маълумотномаси). Натижада, минерал ўғит билан ишлов берилган ғўза майдонларидан гектаридан қўшимча 5,3 ц, буғдойдан 8 ц ҳосил олиш имконини берган;

ферроцен ҳосилалари ва карбамид-аммиакли ўғитлар асосида ишлаб чиқилган суюқ азотли минерал ўғитлар учун таклиф этилган 3102 30 100 1 код рақами давлат божхона амалиётидаги ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг навбатдаги таҳририда ишлаб чиқишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги №16/05-22-0373-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли минерал ўғитларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 9 та халқаро 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 3 та республика илмий журналларида ва хорижий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Азотли ўғитлар ва айрим ферроцен ҳосилалари, уларни қишлоқ хўжалигида қўлланилиши ҳамда ТИФ ТН асосида синфлаш (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи бобида суюқ минерал ўғитлар ва ферроцен ҳосилалари устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Товарлар кимёси фанининг мақсад ва вазифалари, уйғунлашган тизм, товар, номенклатура, синфлаш ҳамда ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган олимларнинг ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ферроцен ҳосилалари асосида суюқ азотли ўғитлар олиш (олинган натижалар муҳокамаси)”** деб номланган иккинчи бобида *n*-ферроценилфенол, *m*-ферроценилбензой кислоталарининг монометилломочевина, диметилломочевина, биурет каби ҳосилалари билан олинган сувда эрувчан тузларининг физик-кимёвий ҳоссалари, элемент анализлари, ИҚ-спектроскопик, масс-спектрометрик анализи натижалари таҳлиллари ёритилган. КАС ва ферроцен ҳосилаларини сувда эрувчан тузлари





1-расм. 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг калийли тузининг ИҚ- спектри.

1-жадвалдаги натижаларнинг таҳлилидан 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг калийли тузининг тажрибада ўлчанган ИҚ-спектридаги ютилиш соҳалари чўққиларининг тўлқин сонлари қийматлари биз тахмин қилган тузилишли молекула учун квант-кимёвий ҳисобланган қийматларга тўла мос келиши маълум бўлди. Спектрдаги циклопентадиенил ҳалқасига тегишли  $490\text{ см}^{-1}$  даги С-С-С боғлари қайчисимон деформацион тебраниши,  $1001$  ва  $1105\text{ см}^{-1}$  да кузатиловчи шу боғларнинг симметрик валент тебраниши,  $2059$  ва  $3094\text{ см}^{-1}$  да намоён бўлувчи С-Н боғланишларнинг маятниксимон деформацион тебранишларига мос келувчи ютилиш соҳаларининг мавжудлиги яққол кўринади. Бензой кислота гуруҳига тегишли тебранишлар  $476\text{ см}^{-1}$  ( $\tau(\text{O-H})$  ( $\text{COOH}$ )),  $816\text{ см}^{-1}$  ( $\rho_s$  ( $\text{C-H}$ )(Ar)),  $876\text{ см}^{-1}$  ( $\tau(\text{C-H}$ )(Ar)),  $3458\text{ см}^{-1}$  соҳада ( $\nu_{\text{as}}$  ( $\text{CCC}$ )(Ar)) намоён бўлади. Молекуладаги мочевина қолдигига тегишли тебранишлар  $597\text{ см}^{-1}$  да ( $\delta_{(\text{N-H})}$ ), ва  $849\text{ см}^{-1}$  ( $\nu_s$  ( $\text{C=O}$ )) кузатилади.



2-расм. 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг калийли тузининг квант-кимёвий ҳисобланган ИҚ-спектри.


1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг калийли тузи ИҚ-спектрида чўққилар тўлқин сони, уларнинг ҳисобланган қийматлари ва тегишли тебранишига мослиги, см<sup>-1</sup>.

№	Тебраниш тури	Ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сони, см <sup>-1</sup>	
		Ҳисобланган	Ўлчанган
1.	$\tau_{(O-H)}$	476	476
2.	$\delta_{(CCC)} (Cp)$	494	490
3.	$\delta_{(N-H)}$	582	597
4.	$\delta_{(1C-34C(O)-36N)}$	797	787
5.	$\pi_s(C-H)(Cp)$	814	816
6.	$\nu_s(C=O)$	849	849
7.	$\pi_s(C-H)(Ar)$	880	876
8.	$\nu_s(CCC)(Cp)$	986	1001
9.	$\nu_s(C-C)(Cp)$	1096	1105
10.	$\delta_{(COH)}$	1409	1408
11.	$\nu_{as}(C-C-OH)$	1454	1456
12.	$\Gamma(C-H)(Cp)$	2048	2059
13.	$\Gamma(C-H)(Cp)$	2994	3094
14.	$\nu_{as}(CCC)(Ar)$	3332	3458

Жадвада келтирилган маълумотлардан 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг калийли тузининг тажрибада олинган спектрдаги ютилиш соҳалари тўлқин сонлари, квант кимёвий ҳисоблаш натижасида олинган спектрдаги ютилиш соҳалари тўлқин сонларига қониқарли даражада мос келиши кўринади.


### 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли тузи

1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли сувда эрувчан тузи ҳақида маълумотлар адабиётларда топилмади. Шунинг учун 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли сувда эрувчан тузини олишга эришдик. Реакция схемаси қуйидагича:




1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли тузининг ўлчанган ИҚ-спектрдаги бензой кислота гуруҳига тегишли


тебранишлар  $3476\text{ см}^{-1}$  ( $\tau(\text{O-H})$  ( $\text{COOH}$ )),  $816\text{ см}^{-1}$  ( $\rho_s$  ( $\text{C-H}$ )(Ar)),  $876\text{ см}^{-1}$  ( $\tau(\text{C-H})$ (Ar)),  $3460\text{ см}^{-1}$  соҳада ( $\nu_{\text{as}}$  ( $\text{CCC}$ )(Ar)) намоён бўлади. Циклопентадиенил ҳалқасига тегишли  $491\text{ см}^{-1}$  даги C-C-C боғларининг қайчисимон деформацион тебраниши,  $1001$  ва  $1105\text{ см}^{-1}$  да кузатиловчи шу боғларнинг симметрик валент тебраниши,  $2060$  ва  $3094\text{ см}^{-1}$  да намоён бўлувчи C-H боғланишларнинг маятниксимон деформацион тебранишларига мос келувчи ютилиш соҳаларининг мавжудлиги яққол кўринади. Молекуладаги мочевина қолдигига тегишли тебранишлар  $599\text{ см}^{-1}$  да ( $\delta_{(\text{N-H})}$ ), ва  $849\text{ см}^{-1}$  ( $\nu_s$  ( $\text{C=O}$ )) кузатилади (2-жадвал).



3-расм. 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли тузининг ИҚ-спектри.



4-Расм. 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроцениламиднинг натрийли тузининг ҳисоблаб оптималлаштирилган молекуляр структураси.



5-расм. 1'-(3-карбокисфенил)-1-N-метилоксифероцениламиднинг натрийли тузининг квант-кимёвий ҳисобланган ИҚ-спектри.

2-жадвал.

1'-(3-карбокисфенил)-1-N-метилоксифероцениламиднинг натрийли тузининг ИҚ-спектридаги чўққиларнинг тажрибада аниқланган, ҳисобланган тўлқин сони қийматлари ( $\text{cm}^{-1}$ ) ва молекуланинг тегишли тебранишларга мослиги.

№	Тебраниш тури	Ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сони, $\text{cm}^{-1}$	
		Ҳисобланган	Ўлчанган
1.	$\delta_{\text{(CCC)}} (\text{Cp})$	476	476
2.	$\delta_{\text{(CCC)}} (\text{Cp})$	495	491
3.	$\pi_{\text{s}} (\text{C-H}) (\text{Ar})$	582	599
4.	$\tau_{\text{(O-H)}}$	727	719
5.	$\delta_{\text{(N-H)}}$	787	787
6.	$\pi_{\text{s(C-H)(Cp)}}$	850	849
7.	$\nu_{\text{s(CCC)}} (\text{Cp})$	879	876
8.	$\nu_{\text{s(CCC)}} (\text{Cp})$	813	816
9.	$\nu_{\text{s(C-C)}} (\text{Cp})$	983	1001
10.	$\nu_{\text{as(CCC)}} (\text{Ar})$	1098	1105
11.	$\Gamma_{\text{(C-H)}} (\text{Cp})$	1410	1409
12.	$\nu_{\text{as(C-C-OH)}}$	1469	1458
13.	$\nu_{\text{s}} (\text{C=O})$	1651	1655
14.	$\nu_{\text{as(C-C-OH)}}$	3101	3094
15.	$\delta_{\text{(N-H)}}$	3336	3460


Қўнғир рангли кристалл модда олинди. Унум – 0,381 г (95 % - кислотага нисбатан). Т.с.=197 – 198 ° С. Топилди: % Fe, 13,80. Ҳисобланди: % Fe, 13,96. Брутто формула:  $\text{C}_{19}\text{H}_{16}\text{FeNaNO}_4$ .

Синтез қилинган 1'-(3-карбокисфенил)-1-N-метилоксифероцениламиднинг натрийли тузининг ИҚ-спектри тажриба ва квант-кимёвий усуллар ёрдамида молекуляр тузилиши таҳлил қилинди. Бирикманинг ҳосил бўлиш


унуми, элемент анализ натижалари олинди.

### **N-1-(4-оксифенил)-N'-ферроценилметоксикарбоксамиднинг натрийли тузни олиниши.**

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида *n*-ферроценилфенол билан диметилолмочевина асосида олинган бирикманинг натрийли тузини олиш ишлари амалга оширилди. Реакция схемаси қуйидагича:



Олинган бирикманинг ИҚ-спектри таҳлил қилинди. ИҚ-спектрдаги бензой кислота гуруҳига тегишли тебранишлар 3150 см<sup>-1</sup> (τ(O-H) (COOH)), 777 см<sup>-1</sup>(ρ<sub>s</sub> (C-H)(Ar)) намоён бўлади. Циклопентадиенил ҳалқасига тегишли 650 см<sup>-1</sup> даги С-С-С қайчисимон деформацион тебраниши, 1097см<sup>-1</sup> да кузатилувчи шу боғларнинг симметрик валент тебранишларига мос келувчи ютилиш соҳаларининг мавжудлиги яққол кўринди.



б-расм. N-1-(4-оксифенил)-N'-ферроценилметоксикарбоксамиднинг натрийли тузнинг ИҚ -спектри.

Тўқ сарик рангли кристалл модда олинди. Унум – 0,358 г (89 % - кислотага нисбатан). Т.с.=201 – 202 °С. Топилди: % Fe, 13,63. Ҳисобланди: % Fe, 13,93. Брутто формула: C<sub>19</sub>H<sub>19</sub>FeN<sub>2</sub>O<sub>3</sub>Na

1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилаиднинг калийли тузи ва КАС асосида олинган суюқ азотли ўғитни шартли равишда Фербен калий, 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилаиднинг натрийли тузи ва КАС асосида олинди суюқ азотли ўғитни шартли равишда Фербен натрий ҳамда N-1-(4-оксифенил)-N'-ферроценилметоксикарбоксамиднинг натрийли тузи ва КАС асосида олинди суюқ азотли ўғитни шартли равишда Ферфенол деб номланди.

**Фербен калий, Фербен натрий ва Ферфенол суюқ ўғитлари таркибидаги аммоний ва нитратлар миқдорини спектрофотометрик усулида аниқлаш**

Тайёр бўлган эритма маълум миқдорда олиниб тегишли тест кюветалар орқали спектрофотометрда (DR-3900 Германия) 1-жадвалда кўрсатилган реагентлар ёрдамида “Штрихли тест кювета” усулида намуналар таркиби сифат ва миқдорий жихатдан кимёвий таҳлили амалга оширилди.

Тажриба хона ҳарорати 23<sup>0</sup>С, намлиги 74 % бўлган шароитда олиб борилди. Стандарт кит асосида аниқланди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**Фербен калий, Фербен натрий ва Ферфенол суюқ ўғитлари таркибидаги аммоний ва нитратлар миқдори.**

Намуна номлари	Фербен калий		Фербен натрий		Ферфенол	
	NH <sub>4</sub> <sup>+</sup> LCK 303	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> LCK 340	NH <sub>4</sub> <sup>+</sup> LCK 303	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> LCK 340	NH <sub>4</sub> <sup>+</sup> LCK 303	NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> LCK 340
<b>Миқдори (%)</b>	12,8	22,8	12,2	22,12	12,6	22,09

Фербен калий, Фербен натрий ва Ферфенол суюқ ўғитлари таркибидаги аммоний ва нитрат миқдорини спектрофотометрда ўлчаш NH<sub>4</sub><sup>+</sup> LCK 303 ва NO<sub>3</sub><sup>-</sup> LCK 340 методида олиб борилди. Олинган натижалар ушбу суюқ ўғитлар таркибида ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ҳамда юқори ҳосил олиш имконини берувчи асосий озуқа ионлари борлигини тасдиқлайди.

**Фербен калий суюқ ўғити таркибидаги K<sup>+</sup> миқдорини алангали фотометрия(13.39.163) усулида аниқлаш.**

Биз томонимиздан синтез қилинган Фербен калий суюқ азоти таркибидаги K<sup>+</sup> миқдорини алангали фотометрия (13.39.163) усули ёрдамида “Фарғонаазот” АЖда мутахассислар ёрдамида аниқланди. Ушбу усул ёрдамида аниқланган K<sup>+</sup> қуйидаги формула асосида фоизларда ҳисобланганда 0,012 % га тенг эканлиги топилди.

$$C_{\max} = 200-55$$

$$C_{\min} = 100-30$$

$$n_p = 36$$

$$C = 100 + \frac{(200 - 100) \cdot (36 - 30)}{55 - 30} = 124 \text{ мг/дм}^3$$


$$K \% = \frac{124}{1000} \cdot \frac{100}{1000} = 0,012 \%$$

Фербен калий суюқ ўғитлари таркибидаги K<sup>+</sup> ва Na<sup>+</sup> микроэлементларининг мавжудлиги, уларнинг юқори биологик фаоллик намоён қилиши мазкур суюқ ўғитлардан фойдаланиб ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириши мумкин дейишга асос бўлди.

**Фербен калий, Фербен натрий ва Ферфенол суюқ ўғитлари таркибидаги Fe<sup>2+</sup> миқдорини фотоэлектродиметрия усулида аниқлаш.**

Фербен калий суюқ ўғити таркибидаги Fe<sup>2+</sup> миқдори фотоэлектродиметр – (КФК-2) “Фарғонаазот” АЖДа аниқланди.

Эритманинг ўтказиш коеффициентига тегишли ҳисобни “Т %” шкаладан, оптик зичлигига тегишли ҳисобни эса “D” шкаладан ёзиб олинди, ҳамда тегишли катталикларни камида 3 марта ўлчаниб, унинг ўртача арифметик қийматлари аниқланди.



**7-расм. Фербен калий суюқ ўғитлари таркибидаги Fe<sup>3+</sup> миқдори.**

$$Fe \% = \frac{0,0125 \cdot 100}{5,08805 \cdot 1000} = 0,00024 \%$$

Фербен калий суюқ ўғити таркибидаги Fe<sup>2+</sup> миқдорини фотоэлектродиметр – (КФК-2) асбобида аниқланганда назарий ҳисоблангандаги миқдорга мос эканлиги кузатилди. Бу эса таркибидаги микроэлементларнинг ижобий таъсири натижасида ҳосилдорлик сифати ва салмоғининг ортиши тажриба натижаларида ўз исботини топди.

КАС ва ферроцен ҳосилаларининг сувда эрувчан тузлари асосида олинган “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” каби суюқ ўғитларни 2019 – 2021 йиллар январь, март, май ойларида Андижон вилояти Мархамат тумани “Хўжаариқлик пахлавон”, “Хоминжон баракали ерлари”, “Р.Умматов” фермер хўжалиқларининг буғдой экилган майдонларида дала синовларидан ўтказилди. “Фербен-калий” суюқ ўғитини тупланишда (4,0 л/га), найчалаш (7,0 л/га) ва бошоқлаш (7,0 л/га) даврларида 1 мартадан қўлланилганда энг юқори буғдой ҳосили олинди. Буғдой ҳосили 64,6 ц/гани қўшимча назоратга нисбатан 9,6 ц/гани эталонга нисбатан 5,1 ц/гани ташкил қилди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган:

4-жадвал

**Тупланиш, найчалаш ва бошоқлаш фазасида барги орқали қўшимча суюқ минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг буғдой ҳосилига таъсири (ц/га)**

Вариант тартиби	Буғдойнинг ривожланиш даврлари			Ўртача	Қўшимча
	Тупланиш фазаси	Найчалаш фазаси	Бошоқ чиқариш		
1	Назорат (сув билан)	Назорат (сув билан)	Назорат (сув билан)	55	-

2	Фербен-калий 4,0 л/га	Фербен-калий 7,0 л/га	Фербен-калий 7,0 л/га	64,6	9,6
3	Фербен-натрий 4,0 л/га	Фербен-натрий 7,0 л/га	Фербен-натрий 7,0 л/га	60	5,0
4	Ферфенол 4,0 л/га	Ферфенол 7,0 л/га	Ферфенол 7,0 л/га	58,4	3,4
5	КАС 4,0 л/га	КАС 7,0 л/га	КАС 7,0 л/га	58,2	3,2
6	САКЎ 4,0 л/га	САКЎ 7,0 л/га	САКЎ 7,0 л/га	59,5	4,5

2019-2021 йиллардаги фенологик кузатув натижаларига кўра “Фербен-калий” суюқ ўғити билан ишлов берилган ўсимликдаги физиологик жараёнлар билан бирга биокимёвий жараёнлар ҳам мақбуллашди.

“Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғитларнинг ёўза ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Ёўзанинг ривожланиш даврларидан 2-3 чин баргли даврида, шоналаш, гуллаш фазаларида турли меъёрларда ўсимликлар “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ ўғитлари билан барги орқали кўшимча озиклантирилди. Шу вақтнинг ўзида солиштириш учун назорат (сув), эталон сифатида бугуги кунда Кластер хўжалиги, фермер хўжаликлари ва деҳқонлар томонидан кўшлаб қўлланилаётган КАС ҳамда САКЎ суюқ ўғитлари билан ишлов берилди. Ёўзанинг ўсиб ривожланиши март ойидан ноябрь ойигача мунтазам кузатиб борилди. Олинган ҳосил миқдори ва сифатига қараб энг мақбул муддат ҳамда меъёрлар танлаб олинди. Олинган натижалар 5–жадвалда келтирилган:

5-жадвал

**Таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитларнинг пахта ҳосилига таъсири (ц/га).**

Вариант тартиби	Тажриба вариантлари	Ёўзани ривожланиш даврлари			Ўртача	Кўшимча
		2-3 чин барг	шоналаш	гуллаш		
1	Назорат (сув билан)		Назорат	Назорат	35,0	-
2	Фербен-калий	4,0 л/га	7,0 л/га	10,0 л/га	40,1	5,1
3	Фербен-натрий	4,0 л/га	7,0 л/га	10,0 л/га	38,8	3,8
4	Ферфенол	4,0 л/га	7,0 л/га	10,0 л/га	37,7	2,7
5	КАС	4,0 л/га	7,0 л/га	10,0 л/га	37,5	2,5
6	САКЎ	4,0 л/га	7,0 л/га	10,0 л/га	38,1	3,1

### Суюқ азотли ўғитларни ТИФ ТН бўйича синфланиши

Илмий-тадқиқот ишлари натижасида таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг сувда эрувчан ҳосилалари ҳамда КАС сақловчи, ўсимликлар ҳосилдорлигини оширувчи, ишлаб чиқариш технологияси ва қурилмалари содда, сарф-харажати кам маҳаллий хомашёлар асосида “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқилди. Ушбу яратилган янги товарларнинг таркибини физик-кимёвий таҳлиллари “Фарғонаазот” АЖ заводининг марказий кимё лабораториясида ва Андижон давлат университети Кимё кафедраси “Товарлар кимёси” илмий лабораториясининг замонавий асбобларида бажарилди. Лаборатория ва дала амалиётида яхши натижа кўрсатган суюқ азотли ўғитлари намуналари “Жалақудуқ кимёгари” МЧЖ томонидан 2019-2022- йиллар давомида кичик партияларда ишлаб чиқарилди. Суюқ азотли ўғитларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганини ҳисобга олиб уларни экспорт-импорт жараёнларини тўғри амалга ошириш лозим бўлади. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) нинг таркибида азот сақловчи суюқ минерал ўғитлар учун 3102 30 100 0 код рақами берилган.

б-жадвал

#### Таркибида микроэлементлар тутган суюқ азотли минерал ўғитларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича таклиф этилган код рақамлари

Амалдаги	
3102	---
3102 30 100 0	----- таркибида азот сақловчи суюқ минерал ўғитлар
Таклиф этилган	
3102 30 100 1	----- таркибида микроэлементлар тутган суюқ азотли минерал ўғитлар

Биз томонимиздан таркибида микроэлементлар тутган суюқ азотли минерал ўғитлар учун ТИФ ТН бўйича 3102 30 100 1 код рақами ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон республикаси божхона амалиётига жорий этилди.

Диссертациянинг “**Ферроценбензой кислоталари, *n*-ферроценилфенол ҳамда мочевина ҳосилалари асосида суюқ азотли ўғитлар олиш (Тажрибавий қисм)**” деб номланган учинчи бобида *n*-ферроценилфенол, *m*-ферроценилбензой кислоталарининг монометилломочевина, диметилломочевина, биурет билан олинган ҳосилаларини сувда эрувчан тузлари реакциялари методикалари келтирилган. Бундан ташқари ферроцен ҳосилаларини сувда эрувчан тузлари ҳамда ажратиб олинган бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари аниқланган. Олинган янги бирикмаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш, КАС ва ферроцен ҳосилаларини сувда эрувчан тузлари асосида олинган янги Фербен калий, Фербен натрий ва Ферфенол суюқ азотли ўғитлари фермер хўжаликлари пахта майдонларида ўтказилган дала амалиёти тажрибалари баёни келтирилган

## ХУЛОСАЛАР

“Таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг монометилломочевина, диметилломочевина, биурет билан ҳосилалари асосида уларнинг калийли ва натрийли сувда эрувчан тузлари олинди.

2. Таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенол ҳосилаларининг калийли ҳамда натрийли сувда эрувчан тузларининг кимёвий таркиби, тузилиши элемент анализ, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия методлари ёрдамида аниқланди.

3. Квант-кимёвий ҳисоблаш методидан фойдланиб *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг ҳосилаларининг сувда эрувчан тузларининг ҳосил бўлиш реакциялари таҳлил қилинди.

4. Таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг сувда эрувчан ҳосилалари ҳамда КАС сақловчи “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқилди.

5. Янги “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ ўғитларининг физик-кимёвий таҳлиллари “Фарғонаазот” АЖ заводининг марказий кимё лабораториясида бажарилди ва тегишли хулосалар олинди.

6. Таркибида ферроцен ҳосилалари сақловчи суюқ азотли ўғитларнинг биологик фаоллигини 2019-2021 йилларда Андижон вилояти фермер хўжаликларининг 130 гектар пахта, 164 гектар буғдой жами 294 гектар майдонларига жорий этилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022- йил 11-мартдаги № 07/35-04/1175-сон маълумотномаси).

7. Ёўзанинг ривожланишининг турли фазаларида ўсимликлар барги орқали “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғити билан қўшимча озиклантирилганда энг юқори кўрсаткич “Фербен-калий” қўлланилган вариантда кузатилиб пахта ҳосилдорлиги 40,0-41,0 ц/гани, назорат вариантда 34,7-35,7 ц/гани ташкил қилиб ҳар гектар дала майдонидан ўртача 5,3 ц/га қўшимча ҳосил олинган ва ҳар бир гектар майдондан 3353310 сўм қўшимча фойда олинди.

8. Тажрибада буғдойни тупланиш, найчалаш, бошоқлаш даврларида “Фербен-калий”, “Фербен-натрий”, “Ферфенол” суюқ азотли ўғитлар қўлланилганда назорат вариантыда 62-64 ц/га, “Фербен-калий” суюқ азотли ўғити билан қўшимча озиклантирилган вариантда эса 70-72 ц/га бўлиб, назоратга нисбатан ўртача 8 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Бу эса ҳар гектар майдондан 1953900 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди.

9. Таркибида *m*-ферроценилбензой кислотаси ва *n*-ферроценилфенолнинг сувда эрувчан ҳосилалари ҳамда КАС сақловчи суюқ азотли ўғитлар учун ТИФ ТН бўйича янги код 3102 30 100 1 рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги №16/05-22-0373-сон маълумотномаси).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ №DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЖИМАТОВА ДИЛНОЗА СУЛТОНМУРОДОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ ЖИДКИХ АЗОТНЫХ УДОБРЕНИЙ, СОДЕРЖАЩИХ  
ПРОИЗВОДНЫЕ ФЕРРОЦЕНА, И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Андижан – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/К494

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) и в Информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный консультант:** Аскарлов Иброхим Рахмонович  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Хужаев Вахобжон Умарович  
доктор химических наук, профессор  
Абдуганиев Бахтиёр Ёрматович  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:** Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней № 03/29.10.2021.К/Т.60.05 при Андижанском государственном университете « 17 » 09 2022 года в 14-00 часов. (Адрес: 170100 г. Андижан, улица Университетская, 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс:(99874) 223 84

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за №253). (Адрес: 170100 г. Андижан, улица Университетская, 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: [abshax@mail.ru](mailto:abshax@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан 7 сентября 2022 г.  
(протокол реестра № 08 от 07.09.2022 г.)



**Х.Исаков**

Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор химических наук, профессор

**М.М.Мумнижонов**

Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор химических наук

**Ш.В.Абдуллаев**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных степеней,  
доктор химических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Рост населения в мире вызвал резкое увеличение спроса на сельскохозяйственную продукцию. В связи с этим большое внимание уделяется использованию различных минеральных удобрений, биостимуляторов и пестицидов для повышения роста, развития и урожайности сельскохозяйственных культур. Поэтому одним из актуальных вопросов является разработка эффективных биологически активных минеральных удобрений, классификация сельскохозяйственных культур на основе определения их химического состава, повышение их роста, развития и урожайности при одновременном совершенствовании методов производства минеральных удобрений.

Большое значение в мире придается разработке эффективных минеральных удобрений, обладающих свойством в короткие сроки значительно повышать урожайность сельскохозяйственных культур, обогащению их состава биологически активными соединениями, а также определению их химического состава. В связи с этим особое внимание уделяется созданию экологически чистых, эффективных, безвредных жидких мочевины и аммиака содержащих минеральных удобрений по отношению к практически применяемым удобрениям нового типа, обогащенных биологически активными биостимуляторами, содержащими в своем составе ферроцен, определению их химического состава, воздействия на организм и продуктивность, а также разработке и внедрению для них международного кода по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД).

В нашей республике достигаются определенные научные и практические результаты с целью увеличения объема конкурентоспособной продукции, необходимой для нужд сельского хозяйства, и расширения ее ассортимента, в том числе разработки удобрений, содержащих азот, фосфор, калий и некоторые микроэлементы. Стратегия развития нового Узбекистана<sup>2</sup> определяет задачи, которые важно выполнить, чтобы "увеличить доходы дехкан и фермеров как минимум в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, увеличить ежегодный рост сельского хозяйства как минимум на 5%". Исходя из этих задач, синтез водорастворимых биологически активных соединений производных ферроцена и получение на их основе жидких удобрений, содержащих микроэлементы, занимающие важное место в растущем развитии растений, а также изучение их химического состава, структуры, свойств, разработка и внедрение товарных кодов в соответствии с ТН ВЭД имеют важное научно-практическое значение.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан "О стратегии развития Нового Узбекистана" от 28 января 2022 года, рассчитанном на 2022 - 2026 годы, утвержденный указом президента

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3983 о мерах по стремительному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан от 25 октября 2018 года, а также реализации задач, поставленных в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением является развития науки и технологий Республики VII. "Химические технологии и нанотехнологии".

**Степень изученности проблемы.** Над производными ферроцена производили научно-исследовательские работы такие учёные, как А.Н.Несмеянов, Э.Г.Перевалова, В.Д.Вильчевская, С.А.Шлёгль, Л.Асатиани, Е.А.Коленников. Ряд работ был осуществлён узбекскими учёными доктором химических наук, профессором И.Р.Аскарковым и его учениками д.х.н., Ш.Х. Абдуллоевым, д.т.н., Х.Исаковым, кандидатом химических наук, профессором Ш.М.Кирғизовым, д.х.н., доц. М.М.Хожиматовым, д.х.н., М.М.Муминжоновым, д.ф.х.н. Ф.С. Абдугаппоровым, О.Ш. Абдуллаевым. По получению жидких удобрений, изучению их свойств и применению в сельском хозяйстве вели научно-исследовательские работы С.М. Крамарев, С.Селларс, В.Нуньес, N.Ahmad, Laurie E, Juhas Milan, Teren Jan, Н.Мищенко, А.Г.Степченко, О.Б.Дормешкин, С.С.Ланьи, L.T. Herbert, R.Slinksiene и ряд других учёных. В Узбекистане под руководством академика М.Н.Набиева создана научная школа в сфере неорганических веществ, в частности, минеральных удобрений. Н.К.Абдурахмоновой, Р.М.Назировой, С.Р.Мирсалимовой рекомендована технология получения новых жидких азотных удобрений с содержанием кальция на основе КАС и их производства. Б.С.Закировым и его учеником С.Х.Азимовым разработана принципиально новая технологическая система получения жидких удобрений под воздействием моноэтаноламина на комплекс нейтрализованного экстракта нитраткислоты КАС и ПТЗЧ.

В настоящее время эффективные жидкие минеральные удобрения, разработанные на основе производных ферроцена и карбамида-аммонийных удобрений, не используются в сельскохозяйственной практике, в том числе для повышения комплексного развития и урожайности зерновых и пшеничных культур, и научные исследования в этой связи не проводились. На основе производных ферроцена недостаточно проведены исследования по определению химического состава разработанных минеральных удобрений, а также не разработаны товарные коды для ТН ТИФ на основе химического состава жидких минеральных удобрений, полученных на основе производных ферроцена, и карбамида-аммонийных удобрений.

Данная диссертационная работа направлена на решение таких проблем, как разработка эффективных жидких минеральных удобрений на основе производных ферроцена и карбамида-аммонийных удобрений, определение химического состава и биологической активности, их использование для

повышения комплексного развития и урожайности сельскохозяйственных культур, таких как хлопчатник, пшеница, и разработка соответствующих новых товарных кодов, основанных на химическом составе.

